Ушбу сонда:
2 Ислоҳот йўлидаги ғов — ДАЛОЛАТНОМА БЕКОР ҚИЛИНДИ
3 УЙЧИНИНГ БИЛИМДОН ЁШЛАРИ
4 Касаба уюшма спорти — АЛОҚАЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
UZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 24 май, чоршанба №74 (906)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


*«Пилла-2000»*

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ПИЛЛАКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Бухоро вилояти пиллакорлари қабул пунктларига 2000 тоннага яқин пилла топшириб, бу борадаги шартнома режасини мамлакатда биринчи бўлиб бажарди.

Эрта баҳорда 35 минг 500 пиллачилик звеносига 46 минг 530 қути ипак қурти парваришлаш учун топширилди. Агробиология қоидалари асосида парваришланган уруғликдан юқори ҳосил олинди.

Бухоролик пиллакорлар имкониятларини чамалаб, ялпи ҳосилни 2500 тоннага етказишга аҳд қилди.

**(ЎзА)**

## ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

***Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда республикамиз ижтимоий ҳаётига тегишли долзарб масалалар кўриб чиқилди. Йиғилишда мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раисининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари иштирок этди.***

Йиғилиш кун тартибидан жой олган дастлабки масала- болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи тўғрисида республики касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Д.Жаҳонгированинг ахбороти тингланди. Таъкидландики, мамлакатимизда бу йил болаларнинг ёзги дам олишини кўнгилдагидек ташкил этиш учун шарт-шароит яратиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишга ҳар қачонгидан кўра эртароқ киришилган. Жумладан, шу кунгача оромгоҳларнинг аксарияти мавсумга тайёрлаб қўйилди. Бу йил барпо этилган ўн учта янги замонавий оромгоҳ болаларни ўз бағрига олади. Айни пайтда жойларда маҳаллий ҳокимлик органлари, мутасадди ташкилот ва идоралар болаларнинг дам олишини ташкиллаштириш борасида зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Шу билан бирга бу борада ҳали камчилик ва муаммолар ҳам кам эмас. Текширишлардан маълум бўлдики, ҳисоботларда ёзги мавсумга шай, деб кўрсатилган оромгоҳларнинг тўқсонга яқини болаларни қабул қилиб олишга ҳамон тайёр эмас. Соясалқин тоғлар бағрида жойлашган кўпгина оромгоҳларга борадиган йўллар талабга жавоб бермайди. Дам олиш масканларининг аксарияти алоқа воситаларига эга эмас. Ичимлик сув таъминотини ҳам ҳамма ерда кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Йиғилишда бу борадаги мавжуд камчилик ва муаммоларни тезда бартараф этиш юзасидан тегишли вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларига зарур топшириқлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Соғлом авлод» Давлат дастурининг ижроси билан боғлик масала ҳам кўриб чиқилди. Дастурда белгиланган режаларни амалга ошириш борасида барча куч ва имкониятлар ишга солинаётгани қайд этилди. Шу мақсадлар учун республика ва маҳаллий бюджетдан ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан ўн етти миллард сўм жалб этилди. Лекин жойлардаги мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг сусткашлиги туфайли кўзда тутилган ишлар ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек бажариляпти, деб бўлмайди. Йиғилишда бу борадаги ишларни жадаллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Маълумки, Янги йил арафасида бошланган Президент Арчаси билан боғлиқ тадбирлар мамлакатимизда Болалар санъат фестивалига айланиб кетди. Ўтказилган тадбирларда беш юз мингта бола иштирок этди. Республикамизнинг барча ҳудудларида ҳақиқий санъат байрамига айланган тадбирлар кўпдан-кўп иқтидорли ёшларнинг кашф этилиш имконни берди. Болалар ижодиётининг ажойиб намуналари, янги-янги қўшиқлар яратилди. Шу боис 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ва «Соғлом авлод йили»га бағишланган Республика 1-болалар санъат фестивалининг якуний босқичи пойтахтимиздаги «Туркистон» саройининг ёзги саҳнасида катта тантана билан ўтказилади.

Йиғилишда республикамизда олиб борилаётган маърифий-мафкуравий тадбирларни мувофиқлаштириш,»Давлат тили тўғрисида»ги қонунни амалга ошириш ва жойларга ном бериш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**(ЎзА)**

*• Олий Мажлис сессияси олдидан •*

## ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Мустақил Ўзбекистонимиз ҳуқуқий демократик, инсонпарвар жамият барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Кун сайин иқтисоди бақувват бўлиб, халқаро майдонда ўз ўрнини топаётган диёримиз қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни давр ва тараққиёт тақозо этмоқда.

25 май куни ўз ишини бошлайдиган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессияси муҳокамасига бир қанча муҳим масалалар қатори тўртта янги қонун лойиҳаси, учта амалдаги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси киритилиши режалаштирилган.

***

Бугун дунёда ўзбек кураши деган атама пайдо бўлди. Миллий қадриятлар, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик ғояларини ўзида мужассам этган ўзбек кураши дунё спорт оламида янги спорт тури сифатида тан олинди. Бу эса миллатимиз шаъни, ғururини юксакликка кўтарди.

Нафақат, республикамизда балки дунёнинг бир нечта давлатларида ўзбек кураши номи билан дунё полвонлари бел олишмоқда.

Бундан ташқари юртимиз спортчилари жаҳон биринчилиги, Олимпиада мусобақаларида ғолиблик шоҳсупасини эгаллладилар.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Ўтган давр ичида бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистонимиз халқаро, минтақавий мусобақалар ўтказиладиган диёрга айланди. Бозор иқтисодиёти туфайли спорт соҳасида ҳам ўзгаришлар рўй берди. Давр эса қонунларимизга ўзгартиришлар киритишни тақозо этади.

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси Олий Мажлис сессияси кун тартибига қўйилганини эшитиб дилдан суюндим. Матбуот орқали қонун лойиҳасини тайёрлашда АҚШ, Франция, Аргентина, Польша, Россия каби йирик давлатларнинг шу соҳа қонунчилиги амалиётидан ўрганилганлигини ўқиб, шукрона айтдим. Ахир бу кунларга етолмай, қанча полвонларимиз кучи билагидан кетди.

Ҳеч шубҳа йўққи, жисмоний тарбия ва спорт Халқаро хартияси, Олимпия хартияларини ўзида мужассамлаштирган халқаро талабларга жавоб берадиган янги таҳрирдаги ушбу қонуннинг қабул қилиниши ўзбек спортини ривожлантиришга ва халқаро мезонда унинг обрў-эътиборини оширишда, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда беқиёс аҳамият касб этади.

**Бобоназар ЧОРИЕВ,**
**Жондор туманидаги «Бухорбек» фермер хўжалиги бошлиғи.**

***

Сессия муҳокамасига киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси мамлакатимизнинг умумжаҳон иқтисодиётидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашга хизмат қилади.

Республикамиз иқтисодий салоҳиятини таъминловчи йирик корхонанинг оддий йигирувчиси сифатида ушбу қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳаси қабул қилинаётганидан роса севиндим. Унда республикамизнинг кун сайин ўсиб бораётган экспорт ва импорт салоҳияти ўз аксини топишига ва ушбу ҳужжат ҳаётга татбиқ этилса халқимиз ҳар томонлама манфаатдор бўлишга ишонаман.

Мустақиллик бизга эркин меҳнат қилиш бахтини, имкониятини берди. Хом ашё ишлаб чиқарадиган аграр мамлакатдан, иқтисодиёти бақувват давлатлар қаторига қўшилаётирмиз. Эркинлик имкониятимизга имкон қўшди, дунёга чиқажак йўлларимизни кенг очди. Жаҳон бозорида ўзбек номи билан танилдик.

Биргина бизнинг «Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятимиз бугунги кунда дунёнинг мана-ман деган ўнта йирик мамлакатлари билан олди-берди муносабатларини йўлга қўйган. Парламентимиз дунё бозорида ўз ўрнимизни топишимиз учун қўлимизга дастуриламал ҳужжат бериб, ҳуқуқларимизни қонун билан мустаҳкамлаётган экан, биз ҳам озод юртнинг эркин фуқароси сифатида фидойилик кўрсатиб ишлаймиз.

**Мартия РАҲМАТОВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони.**

## ФАРҒОНА АЭРОПОРТИ ХАЛҚАРО МАВҚЕГА ЭГА БЎЛМОҚДА

***Эндиликда Фарғона ҳаво бандаргоҳи Ил-62, Ил-86, А-310, Боинг-757 ва 767 каби йирик авиалайнерларни қабул қилиши мумкин. Бу Фарғона аэропорти тарихида янги давр бошланганидан далолат беради. Бажарилган ишлар ҳамда истиқболлар тўғрисида аэропорт директори Владислав Тен «Туркистон-пресс» мухбирига сўзлаб берди.***

- Бу борада қизғин ва диққат талаб қилинадиган ишлар олиб борилди. Ўтган йилнинг ўзидаёқ ёнилғи-мойлаш жиҳозлари базасида таъмирлаш, идишларни бўяш ва уларнинг ичини тозалаш ишлари бажарилди. Шунингдек, алоқа воситалари текширилиб, назорат-ўлчов ускуналари сотиб олинди ва иккита ёнилғи қуйиш шахобчаси алмаштирилди. Бир вақтнинг ўзида қозонхона ҳам тартибга келтирилди.

Аэровокзал биноси ҳам буткул таъмирталаб ҳолда эди. Кутиш залида юкларни текшириш ва авиайўловчиларни рўйхатга олиш кузатувчиларнинг кўзи олдида, очиқ майдонда ўтказиларди. Қайта таъмирлаш ишларидан сўнг эса йўловчиларни назоратдан ўтказиш жараёни талабга жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Бундан ташқари, кутиш залидаги ўриндиқлар алмаштирилиб, зарур маълумотлар ёзилган осмалар ўрнатилди. Бинога ўзига хос эстетик кўриниш берилди.

Учиш-қўниш майдони ҳамда иккита икки қаторли йўлаклар қайта таъмирланди. Йўлаклар кенгайтирилиб, улкан ҳаво кемалари эркин бурилиши ва ҳаракатланиши учун жой ажратилди.

Янги халқаро авиарейслар хорижлик сайёҳлар оқимини сезиларли даражада оширади. Таъмирдан чиққач, биринчи қават учиб келганларга хизмат қилса, иккинчи қаватда учмоқчи бўлган йўловчиларни рўйхатга олиш ва назоратдан ўтказиш амалга оширилади, деди пировардида В.Тен.

**Фарғона вилояти,**
**«Туркистон-пресс»**







Бўз туманида қўшма корхоналар ташкил этиляпти. «Бизинтруд - Бўз» қўшма корхонаси ана шулардан биридир. Корхонага 50 та замонавий тикув машиналари ўрнатилган. Цехда 76 нафар чевар самарали иш олиб бормоқда. Ҳозирда саккиз турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Яқин келажакда корхонани янада кенгайтириш, иш ўринларини 120 тага, маҳсулотлар турини эса 20 тага етказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун корхона қошида тикувчилар тайёрлаш курслари ташкил этилган.

Қўшма корхонанинг болалар кийим-бошлари, ишчилар учун қўлқоп ва махсус кийимлар тайёрлаш юзасидан Россия билан тузган шартномаси ишларнинг жадал ривожланишида муҳим қадам бўлиши шубҳасиздир.

**Суратларда: тикувчилар Ўғилой Юсупова, Рўзихон Каримова, Шаҳноза Исроилова, Дилнавоз Юсупова.**

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси 25 май куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари бугун, 24 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва эртага, 25 май куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

*Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган Олий Мажлис депутатлари диққатига*

Бугун, 24 май куни Олий Мажлисда соат 12.00 да Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши ўтказилади, соат 13.00 да - «Адолат» социал демократик партияси фракциясининг, соат 14.30 да эса - ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

## Ғаллага ўроқ тушди

Навоий вилоятининг Қизилтепа туманидаги. Ўртачўл массивида жойлашган Ал-Бухорий ҳамда Худоёр Сулаймонов номидаги ширкат хўжаликларида ғалла ўрими бошланди. Дастлабки куни ўнга яқин комбайн ёрдамида 100 гектардан зиёд майдоннинг ғалласи ўриб-йиғиб олинди. Мутахассисларнинг фикрича, ҳосилнинг чўғи баланд. Бу йил чўл зонасидан ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил кўтарилмоқда.

*• Истеъдод •*

## «ҚИЗИНГИЗГА КЎЗМУНЧОҚ ТАҚИБ ҚЎЙИНГ»

***Моҳичеҳра! Исми жисмига монанд бу қиз Олот шаҳридаги 2-мактабнинг 6«в» - синфини аъло баҳоларга битирмоқда. Яхши кўрган фанлари - инглиз тили, адабиёт ва тарих. Мусиқа эса жону дили.***

Туман болалар ва ўсмирлар тарбиявий ишлар маркази қошида «Ўзбегим» ашула ва рақс дастаси ташкил этилган илк кунларданоқ Моҳичеҳра унинг фаол иштирокчиси. Ансамбл бадиий раҳбари Гулчеҳра Рўзиқулова қизига бир гапни такрорлашдан чарчамайди: «Санъат фидойиликни талаб қилади, ҳаловатдан кечмасанг ҳеч нарсага эриша олмайсан». Моҳичеҳра бу гапнинг моҳиятини яхши англайди, шу боис ҳам машғулотларни канда қилмайди. Ўзининг ширали овози, дилбар рақслари билан даста иштирок этадиган оммавий-маданий тадбирларнинг доимий иштирокчиси. «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрами, «Биз ғунчамиз, санъатдаги булбулчамиз» кўрик-танловларида бир неча бор туман ҳамда вилоят миқёсида ғолиб чиқиб, билимдон устозлар ва халқ назарига тушди. Вилоят телевиденияси орқали намойиш этилган қатор кўрсатувларда у ижро этган «Бухоро тўлқини», «Ўзбегимдан айланай», «Устозим» каби қўшиқлари аллақачон ўз тингловчиларини топган.

— Моҳичеҳранинг овозида таърифга сиғмас бир товланиш бор, - дейди устози Суннатилла Пўлатов, - бунинг устига овоз диапазони жуда кенг, мақом қўшиқларининг катта авжларига қийналмай чиқади, ҳар бир қўшиққа фақат ўзигагина хос бўлган бир нола қўшиб кетади.

Дарвоқе, Моҳичеҳра камол топаётган оилани санъаткорлар оиласи деса бўлади. Отаси Абдунаби Ҳамроев, онаси Гулчеҳра Рўзиқуловалар кўп йиллардан бери ўз қўшиқлари билан эл-юртнинг байрам-тантаналарида беминнат хизмат қилиб келишаётир. Бугунги кунда эса уларнинг сафига ўғиллари Шаҳриёр ва қизлари Моҳичеҳра ҳам қўшилди.

Оллоҳ ўзи севган бандаларига истеъдод ва иқтидорни берар экан. Моҳичеҳранинг кўнглида шеъриятга ошнолик бор. У кўп мутолаа қилади, дилидан кечган нозик туйғулари эса шеър бўлиб оқ қоғозга тўкилади. Аммо ўз машқларини эълон қилишга шошилмаяпти. Бунга ҳам оилавий муҳит, ота-она тарбияси сабаб. Зеро, унинг отаси, иқтидорли шоир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Абдунаби Ҳамроев бадиий ижод улкан масъулият эканлигини яхши тушунади, қизига ҳам буни ҳамиша таъкидлаб, ўзига нисбатан талабчан бўлиши лозимлигини қайта-қайта уқтиради.

— Адабиётнинг улкан майдонига бел боғлаб чиққан ижодкорларнинг бисотида бир неча йилга етадиган ижод захираси бўлмаса, у бир бора йилт этадию, сўниб қолади, - дейди у, - шу боис бу йўлда шошқалоқлик ярамайди.

Моҳичеҳрани китобгина бир ерга боғлаб қўйиши мумкин. Бошқа пайтларда уни гоҳ ансамбл сафида, гоҳ спорт залида учратасиз. Айтмоқчи, у Шарқ яккакурашининг таэквандо тури билан шуғулланади. Ака-сингил Шаҳриёр ва Моҳичеҳра - спорт мусобақаларининг доимий иштирокчилари.

— Бунингиз «тоғ эчкиси» буржи остида туғилгани учунми бир ерда тинч ўтиролмайди, - дейди Шаҳриёр онасига кулиб.

— Ўғлингизнинг ўзи-чи! Бир қарасангиз доира қўлтиқлаган (Шаҳриёр мусиқа мактабининг доирачилик бўлимини аъло баҳога битказган), бир қарасангиз сентезатор чалган...

— Майли, болам, бир йигитга қирқ ҳунар оз, дейдилар, - дейди отаси.

— Бир қизга ҳам... - дея қўшилади онаси.



Ҳа, бундай қизлар ҳар куни ҳам туғилавермайди, уни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин. «Қизингизга кўзмунчоқ тақиб қўйинг, Гулчеҳра опа!».

**Гулноза БАҲРОМОВА,**
**Олот тумани ҳокимлиги хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси.**

# ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЧИЛИК –

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗАГИДИР

Иш ҳақини ошириш талабини қўйишда касаба уюшмалари раҳбарлари доимо жаҳон тажрибасини ҳисобга олишлари керак. У шуни кўрсатадики, агар иш ҳақи мамлакат миқёсида оширилса, бу маблағ ялпи ички маҳсулот ҳажмининг иқтисоддаги ҳар бир банд одамга нисбатан таққосланадиган нархларда ортиши билан мувозанатга келтирилмаса, бу ҳолда маҳсулот бирлигининг таннархи ошади. Ишлаб чиқарувчилар, бунга одатда, маҳсулот ишлаб чиқаришни қисқартириш ва хизмат кўрсатишни камайтириш билан жавоб берадилар.

Агар реал ишлаб чиқаришни қисқартиришга, инқирознинг чуқурлашуви ва бунинг натижасида юзага келган ишсизликка фақатгина барқарорлаштирувчи сиёсатни, давлат сарф-харажатларининг ошиши ёки солиқларнинг пасайишини қарама-қарши қўядиган бўлсак, у ҳолда талабнинг ўсиши пулнинг қадрсизланишини янада кучайтиради, нархлар даражасини оширади. Бунда пулнинг қадрсизланиши кескин тус олиши, иқтисодда инқироз чуқурлашиши мумкин.

Охир оқибатда ҳақиқий иш ҳақи ошмайди, балки камаяди.

Агар жами талаб-эҳтиёжлар оширилмаса ва сарф-харажатларнинг ортиши билан юзага келган инқирознинг олди олинмаса, ишдан бўшатилаётган одамлар сони кўпаяди, корхоналар ёпилади ва банкротга учрайди. Меҳнат бозори қўшимча равишда яна қисқаради. Натижада ҳақиқий иш ҳақи ва нарх-наво аввалги даражасига қайтади.

Бундан шундай хулоса чиқаришимиз керакки, ҳақиқий даромадларни юксалтиришнинг юқорида кўрсатиб ўтилган учала воситаси самара бериши учун меҳнат унумдорлигини ошириш ва унинг ўсишига қараб иш ҳақини мутаносиб равишда кўтариш мажбурий шартлардан ҳисобланади.

Меҳнат унумдорлигини оширишда, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашда уларнинг маънавиятини соғломлаштириш, эътиқодини бутлаш нечоғлик муҳимлигини ҳисобга олиб, касаба уюшмалари ижтимоий муаммоларни самарали ҳал этиш учун ахлоқ-одоб ва биргаликдаги меҳнат масалаларига катта эътибор беришлари керак. Маданий-маърифий, спорт ва соғломлаштириш муассасаларимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан бир қаторда, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш, уларнинг маънавий ва жисмоний камол топиши, соғломлаштиришда мазкур муассасалардан бир мақсадни кўзлаб фойдалансак яна ҳам яхши бўларди.

«Маънавийлик-одамлар бахтсаодатининг гаровидир» деган сўзлар касаба уюшмаларининг бу йўналишдаги фаолияти учун шиор бўлиши мумкин. Юртбошимиз таълим берганидек, маънавий қадриятлар ҳаётимизнинг олий мақсадидир, чунки улар абадий бўлиб, зеро, инсоннинг уларга хиёнат қилиши, табиатнинг азалий ахлоқий ва маънавий қонуниятларини бузиши ҳар хил мусибат-у, бахтсизликларга олиб келади.

Бугун замон ўзгарди, олдимизга янги талаблар қўйилмоқда. Касаба уюшмаси раҳбаридан янгича фикрлаш, омилкорлик талаб этилади. Биринчи галдаги муаммо — бу кадрлар заҳирасини мустаҳкамлаш, янгича фикрлайдиган, янги тафаккурга эга бўлган одамларни тарбиялашдир.

Бугун раҳбар касаба уюшмалари иши, меҳнат ҳуқуқи асосларини шунчаки билибгина қолмай, у ижтимоий-бошқарув илмини ҳам пухта эгаллаган бўлиши керак. Унинг савиясини иқтисод, бошқарув, социология, қонунчилик, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, шунингдек касбий билими, махсус таълим ва мустақил ўқиб-ўрганиш, малакасини ошириш, корхоналарда ишлаш натижасида орттирган маҳорати, кўникмалари белгилайди. Ташкилотчилик салоҳияти: музокараларни олиб бора олиш, мустақил қарор қабул қилиш, айни вақтда кенгашиб ишлаш (коллегиаллик) тамойилига содиқ қола билиш, охир оқибатда пировард натижага эриша олиш қобилияти ҳам шунга киради.

Ёлланма ходимлар манфаатларининг ифодачиси бўлган касаба уюшмаси раҳбари кадрларнинг талаб-эҳтиёжларини, орзу-умидларини, шунингдек мамлакат, минтақа, тармоқ, муайян корхонанинг ишлаб чиқариш, меҳнат билан боғлиқ муаммоларини ҳам билиши керак.

Яна бир муҳим гап. Зеро, касаба уюшмалари фаолияти — бу фақат воқеа ва ҳодисалар моҳият-мазмунини тушуниш, уларга баҳо бериш, тўғри иш тутиш эмас. Бу фақат ташкилотчилик қобилияти эмас, шунингдек одамлар кўнглига йўл топа билиш, уларга таъсир кўрсата олиш ҳамдир.

Барча даражадаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга номзодлар кўрсатилганида, уларнинг маълум лавозимга муносиблигини илмий ишлаб чиқилган мезонлар асосида тестдан ўтказиш, бунда компьютер тизимидан фойдаланиш керак. Бу ўз навбатида ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида мазкур номзоднинг касаба уюшмалари фаолиятига касбий жиҳатдан яроқли-яроқсизлигини маълум даражада холис баҳолаш имконини беради. Шунинг учун ҳамма аъзо ташкилотлар касаба уюшмалари ҳаракатининг жаҳон андозаларига жавоб берадиган касаба уюшмалари Федерацияси илмий-ўқув марказини барпо этишда бевосита ва фаол иштирок этишлари лозим.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсати ижроия қўмитасининг сайёр мажлиси ишининг таҳлили шуни кўрсатадики, қатор вилоят касаба уюшмалари раҳбарлари ва кўпгина туман касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари ижтимоий шерикчилик ғоясининг моҳиятини тушунишмайди. Шунинг учун ҳам улар жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини шунчаки хўжа кўрсинга тузишади, касаба уюшма органлари штат рўйхатларида мазкур масала билан шуғулланадиган мутахассислар йўқ, касаба уюшмалари бюджети ва ижтимоий суғурта маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланилади, ижтимоий адолат тамойиллари бузилади, уларнинг ишларида ошкоралик йўқ, бундай раҳбарлар меҳнаткашларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалаларни жуда жўн тушунадилар, маъмурият томонидан жамоа шартномаларининг бажарилишини муттасил назорат қилиб боришмайди. Бинобарин, меҳнаткашлар даромадини бевосита ёки билвосита ошириш, меҳнат бозоридаги жараёнларни тартибга солиб туришда иштирок этиш, янги иш жойларини барпо этиш, ҳам асосий, ҳам инсоний капиталга сармоялар кўламини кенгайтириш жамоа-шартнома муносабатлар воситаси орқали амалга оширилишини, «Унумли меҳнат ва баракали маош - ижтимоий ҳимоянинг энг яхши воситаси» эканлигини улар ҳали-ҳануз англаб етмаяптилар.

Ижрочилик интизоми республика касаба уюшмалари ҳаракатининг ҳали ҳам ожиз томони бўлиб қолмоқда. Юқори касаба уюшмалари органларининг қарорлари, тавсияномалари қуйи ташкилотларга, айниқса бошланғич ташкилотларга кечикиб боряпти ёки умуман етиб бормаяпти. Бундай ҳол ҳозирги шароитда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида касаба уюшмалари ҳаракати ролининг заифлашишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам яқин кунларда, бу жуда муҳим масалани пайсалга солмасдан, биз ягона ахборот тизимини яратишимиз даркор. Бундай тизим барча даражадаги, айниқса қуйи касаба уюшмалари органлари фаолиятида ишчанликни анча оширган бўларди.

Ишимизнинг ижобий томонларидан бири, касаба уюшмалари йириклашиб ўз ташкилий тузилмаларини такомиллаштира бошлашди, улар Вазирлар Маҳкамасининг янгитдан ташкил этилган мажмуаларига мувофиқлаштирилди. Бу чора-тадбирлар шубҳасиз, ижтимоий шерикчилигимизни фаоллаштиради ва самарасини оширади. Лекин шу билан бирга, ўрта бўғин касаба уюшмалари бу ишни давом эттиришлари, хўжалик органлари учун шерикчилик қиладиган органларни яратиб беришлари керак.

Республика ҳукумати амалга ошираётган кучли ижтимоий сиёсат ижтимоий шерикчилик тизимининг қарор топиши ва ривожланишига катта ёрдам беряпти. Шунинг учун ҳам бу янги ғоя заминида қарама-қарши туриш эмас, балки касаба уюшмаларининг давлат билан ўзаро алоқалари услуб ва йўлларини такомиллаштириш учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш ётади.

**Элёр ЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари.**
***(Давоми бор).***





Бўз туманида ҳам саноатни ривожлантириш юзасидан аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Навоий номли Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси бунёд этилганлиги кўплаб йигит ва қизларни муқим иш билан таъминлади. Бу ерда унумли меҳнат қилиш учун барча шароитлар муҳайё этилган. Кўрсаткичлар ой сайин яхшиланиб бормоқда. Эътиборлиси шуки, корхонада тайёрланаётган маҳсулотнинг 30 фоизи чет элга экспорт қилинади. Уч сменада ишлаётган ишчиларга алоҳида имтиёзлар яратилган.

***Суратларда**: 1. Лаборатория ходими Мавлудахон Исмоилова. 2. Моҳир ишчи Муқаддасхон Ҳожиматова ҳиндистонлик мутахассис Парвин Равет билан маҳсулот сифати хусусида фикрлашмоқда.*

**Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# МЕҲНАТКАШ МАНФААТИ ШАРТНОМА АСОСИ

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашда битимлар ва жамоа шартномалари муҳим ўрин эгаллайди. Табиийки, уларда давр ўртага қўяётган муҳим масалалар албатта акс этган бўлиши лозим. Жумладан қўмитамизга қарашли 260 та бошланғич касаба уюшмаларида бултур тузилган жамоа шартномаларида аёллар йили муносабати билан хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар - ҳомиладорлик ва туғиш таътилида бўлган аёлларга қўшимча равишда иш ҳақи сақланган ҳолда бир ойлик таътил бериш, иқтисодий ночор, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини оромгоҳларда бепул дам олишлари, ўқув қуроллари билан таъминланиши асосий вазифа қилиб қўйилди. Бу йил эса ёш авлодни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, экология қонунларининг бузилишига йўл қўймаслик эса доимий назоратимиздаги ишдир.

Ўтган йили 4 та ўлим билан тугаган, 2 та оғир тан жароҳати олиш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар қайд этилди. Нурота туманидаги Алишер Навоий номли, Навоий туманидаги «Маданият», Қизилтепа туманидаги Қосим Қобилов номли хўжаликлар ва «Сардобапарранда» ҳиссадорлик жамиятида рўй берган ҳолатлар жойлардаги меҳнат бошқармаси нозирлари билан махсус текширилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларни қўпол равишда бузганлиги учун 6 нафар масъул ходимга 4000 сўмдан жарима солинди. 7 та дастгоҳ - ускуналар ишловчилар ҳаётига хавф туғдиргани учун тўхтатилди. Қосим Қобилов номли жамоа хўжалиги сут соғиш фирмаси озиқа цехи, «Навоийсувқурилиш» трестига қарашли 3-КМК пайвандлаш аппарати шулар жумласидандир.

Ижтимоий ҳимоялаш деганда, албатта, меҳнаткашларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олишларини ташкил этиш ҳам тушунилади. Масалан, ўтган йили 2520 бола дам олиши режалаштирилган бўлса, амалда 2643 ўғил-қиз оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди. Болаларни дам олиш масканларига жалб этишда кам таъминланган, ночор оилаларнинг фарзандларига алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, республикамизнинг турли шифо масканларида 226 киши ҳордиқ чиқарди. Умуман йил давомида меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашда ҳар бир кишига ўртача 4850 сўмдан маблағ сарфланди. Жойларда мулкчиликнинг янги кўриниши бўлган деҳқон-фермер, ширкат хўжаликларига ўтишда касаба уюшма қўмиталарининг фикри, хулосасини ҳал қилувчи омил даражасига кўтариш мақсадида хўжалик раҳбарияти ва фермер ўртасида тузиладиган шартномаларда уларнинг иштироки, барча меҳнат низолари жамоа шартномасига мувофиқ ҳал этилиши белгилаб қўйилди.

**Алишер ЙЎЛДОШЕВ,**
**Агросаноат мажмуи ходимлари Навоий вилоят касаба уюшма қўмитаси бўлим бошлиғи.**

# ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАНИГА НЕ ЕТСИН

Қарши шаҳрида очилган «Карбид» кичик корхонаси воҳада биринчи бўлиб шу турдаги маҳсулотни ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда бир кеча кундузда уч тоннагача юқори сифатли карбид тайёрланади. Пайвандлаш ишлари учун зарур бу камёб ва харидоргир маҳсулотга ҳозирдаёқ мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналаридан буюртмалар кела бошлади.



**Шу кунларда мамлакатимиз пахта далаларида иш қизғин. Баҳористон туманининг Сулаймон Муродов номли жамоа ширкат хўжалиги деҳқонлари ғўза қатор ораларига ишлов беришни маромида ўтказишмоқда.**

***Суратда**: ширкат раиси Боймурод Ўтаев механизатор Қорёғди Омонов ҳамда илғор ишчи Эркин Эргашев билан.*

**З.РАХМАТУЛЛАЕВ олган сурат.**

*Фермер хўжаликларида*

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ

Нурота туманидаги «Алишер» фермер хўжалиги яқинда банкдан олган 1 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига қўй-қўзилар сотиб олди.

— Буларнинг барчаси Президентимизнинг биз фермерларга кўрсатаётган меҳрибонлиги самараси бўлди, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Инобат Худойқулова.

Туманда таълим-тарбия жонкуярларидан бири сифатида танилган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Инобат опа туман касб-ҳунар лицейи директорлигидан пенсияга чиққан эди. Бекорчиликка кўниколмади. Ўтган йили Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 10 гектар ер олиб фермер хўжалиги ташкил этди, сув чиқарди, қисқа-фурсат ичида чорвачилик фермасини ташкил қилди.

Тардбиркорликда ҳикмат кўп. Қарабсизки, ишлар юришиб кетди. Ўтган йилиёқ кечки ҳосилдан олинган 250 минг сўмлик сабзавот маҳсулотлари 7-мактаб-интернатига топширилди.

Фермер яхши ният билан бу йил 8 гектар ерга буғдой уруғи қадаган. Олинган ҳосилнинг 5 тоннасини шартнома бўйича топширади. Эртаиндин сурув кенгайиб янги-янги отарлар яратилиши шубҳасиз.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ислоҳот йўлидаги ғов*

# ДАЛОЛАТНОМА БЕКОР ҚИЛИНДИ

***Бутун мамлакатимиздаги сингари Жиззах вилоятида ҳам тадбиркорлик фаолияти кенг ривожланиб бормоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалигида фермерлик ҳаракати авж олди. Агар фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина ўтган йили вилоятда етиштирилган пахтанинг 375 тоннаси, 330 минг тонна доннинг 103 минг тоннаси фермерлар улушига тўғри келди. Қишлоқларда 3,5 мингдан зиёд фермер фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятида сунъий тўсиқлар ҳам учрамоқдаки, бу энг аввало улар ишига ҳуда-беҳуда аралашиш, эркинлигини чеклаш, турли хил текширувлар жараёнида «ранг-баранг» ҳисоботларни талаб этишда намоён бўлади. Халқимизда «ковлаштираверсанг ўт ўчади чўққалаверсанг қўшни кўчади» деган нақл бежиз айтилмаган.***

Бир мисол: Арнасой туманидаги «Сайрам» хусусий фермер хўжалиги вилоят солиқчилари томонидан текширилади. Текшириш натижасида солиқчилар хўжаликнинг 617 минг сўмини яширилган даромад деб топиб, бу ҳақда далолатнома тузишади. Ваҳоланки, амалдаги қонунларда фермер хўжалиги ташкил этилгач, 2 йил давомида даромад солиғидан озод қилинган. Буни солиқчилар нима учундир «унутишиб» бир қулоч далолатнома тузадилар. Хўжалик суди аралашгач, мазкур қонунбузарлик ҳолатига барҳам берилиб, солиқчиларнинг «Сайрам» фермер хўжалиги томонидан тўланиши лозим деб топилган 617000 сўм юзасидан тузган далолатномаси бекор қилинди.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, йирик миқдорда кредит олиб, уни муддатида тўламаётган ёки олинган қарзни мақсадсиз ишлатиб юборган «учар» тадбиркорлар ҳам борки, уларнинг қилмишлари кишини ранжитади. Маълумки, кредит — тадбиркорнинг келгуси фаолияти янада ривож топишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Буни тўғри англаган жуда кўп тадбиркорлар янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқдалар.

Зомин туманидаги «Ёрқин» лак-бўёқ ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш хусусий фирмаси вилоят Бизнес-фонд бошқармасидан кредит шартномасига асосан 2 миллион сўмлик кредит олади. Бу маблағнинг 1 миллион 800 минг сўми «Мадад» суғурта агентлиги томонидан кафолатланганлиги тўғрисида суғурта полиси берилган. Олинган кредит мақсадсиз ишлатилганлиги сабабли, ўз вақтида қайтарилмаган. Бизнес-режага кўра у бўёқ ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун сарфланиши зарур эди. Лекин мазкур маблағнинг 1 миллион сўми «Тадбиркорбанк»нинг Зомин туман бўлимига олдинги қарз эвазига тўлаб юборилди, 285 минг сўмига Бекобод цемент заводидан 58 тонна цемент олиниб, ундан қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланмасдан, аҳолига нақд пулга сотилган, қолганлари талон-торож қилинган. Шундан кейин корхона раҳбари Абдуваҳоб Азимовнинг ҳамёни ҳувиллаб қолди. Олинган қарзни қайтариш муддати ҳам 1999 йилнинг 15 августида тугади. Бир йилдаёқ корхонада ишлар тақа-тақ тўхтади. Корхона раҳбари бошини қаёққа суқмасин, иши ўнгидан келмади. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра «Ёрқин» хусусий фирмаси мол-мулки ҳисобидан вилоят Бизнес-фонд бошқармаси фойдасига 2 миллион 328 минг сўм ундирилди. Ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари А.Азимовга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Зарбдор туманидаги «Ипак йўли» кичик корхонаси раҳбари С.Тўраев вилоят Бизнес-фондидан 500 минг сўмлик имтиёзли кредит олиб, унинг 220 минг сўмини мақсадсиз ишлатиб юборган. Бундай ғайриқонуний қилмиши учун у маъмурий жавобгарликка тортилиб, энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида жарима тўлади.

Хўжалик шартномаларининг ролини ошириш, уларга қатъий амал қилиш — иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан биридир.

Ўтган йили 1119 та кўрилган ишлар шартномавий муносабатлардан келиб чиққан хўжалик низолари юзасидан бўлди. Натижада хўжалик низолари бўйича қонун билан қўриқланадиган манфаати бузилган томонларга 2 миллиард 84 миллион 453 минг сўм ундирилди. Шундан 114 миллион 621 минг сўми шартномавий интизомга амал қилинмаганлиги учун ундирилган жарималардир.

Жорий йилдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ишлар алоҳида ҳисобга олиб борилмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида тадбиркорлар томонидан вилоят хўжалик судига 22 миллион 501 минг сўмлик 10 та даъво аризаси киритилди. Шундан 16 миллион 3 минг сўмлиги қаноатлантирилиб, тадбиркор фойдасига ҳал этилди.

**Маматқул НАЗАРОВ,**
**Жиззах вилоят хўжалик суди раиси.**
**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*2000 йил — Соғлом авлод йили*

***Мамлакатимизнинг ривожланган хорижий давлатлар билан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Жумладан, Япония ҳукумати билан тиббиёт соҳасида қилинган ўзаро алоқалар бугун жойларда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бундан 3 йил бурун Андижон шаҳридаги 7-поликлиникага хайрия тариқасида Япониядан келтирилган УЗИ, ЭКГ, ҳомиланинг юрак уришини ўрганувчи «Доблер» сингари 28 хил тиббиёт ускуналари беморларнинг шифо топишига хизмат қилмоқда.***

# ТИББИЁТ УСКУНАЛАРИ ЯПОНИЯДАН КЕЛТИРИЛДИ

Поликлиника 3 қаватли замонавий бинога жойлашган бўлиб, бу ерда 85 нафар олий, ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари шаҳарнинг 22 мингдан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатади.

«Соғлом авлод» Давлат дастурини рўёбга чиқариш шифокорларнинг диққат марказида турибди. Юқоридаги ҳужжатга асосан поликлиника жамоасининг тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, уни муваффақиятли ижро этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Чақалоқларни ҳамда 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларни юқумли касалликларга қарши эмлаш, ногирон болаларга тиббий хизмат сифатини яхшилаш, ўсмир ва балоғат ёшидаги қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, турмушга узатилаётган қизларни «Оила ва никоҳ» марказларида саломатлик даражасини аниқлаш, туғиш ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва соғломлаштириш ана шу тадбирлар жумласидандир.

Поликлиникада кўргазмали тарғибот ва ташвиқот воситаларидан унумли фойдаланилмоқда. Аҳамиятли жиҳати шундаки, уларнинг аксарият қисми давлат тилида бўлиб, миллий мафкурамиз талабларига ҳам мос келади. «Агар соғлом бўлай десангиз», «Эртаклар-яхшиликка етаклар», «Халқ табобати дурдоналаридан» мавзуидаги деворий кўргазмалар мижозларга шубҳасиз кўп нарса беради. Эндигина оналик бахтига муяссар бўлган бекалар «Ёш оналарга йўл-йўриқлар бериш хонаси»да ўзлари учун зарур бўлган маслаҳатларни беминнат олишлари мумкин.

Исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун зарур бўлган тиббий ашёлар ва дори-дармонлар туғиш ёшидаги аёлларга мутлақо бепул берилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил, 2 декабрдаги қарорига асосан 12 хил тоифадаги беморлар ҳам шифокор томонидан тайинланган дори-дармонларни бепул оладилар.

Шифокорлар жамоаси касалликни даволагандан кўра унинг олдини олишни мақсадга мувофиқ деб билади. Шу боис улар тез-тез ўқув юртларида, мактабларда, меҳнат жамоаларида бўлишиб, тиббиётнинг турли мавзуларида суҳбатлар уюштирмоқдалар. «Қизлар-миллат келажаги», «Қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий жиҳатлари», «Она сутининг моҳияти» мавзуидаги суҳбатлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Поликлиникада жами 10 ўриндан иборат 2 та кундузги шифохоналар ҳам ишлаб турибди. Бунинг қулайлиги шундаки, болали аёллар эрталаб фарзандларни мактаб ва боғчаларга жўнатиб, сўнг поликлиникага бамайлихотир келиб, кундузги муолажаларни олишлари мумкин.

- Япон тиббий ускуналарининг қулай томонлари жуда кўп, - дейди биз билан суҳбатда поликлиника бош шифокори Бахтиёрхон Ҳожи Абдуллаева. - Поликлиникамизда ҳатто водопровод сувларини истеъмолчига бир йўла дистерлаб берадиган ускуналарга ҳам эгамиз.

Мутахассисларимиз ўтган 3 йил давомида энг мураккаб ускуналарда ишлашнинг ҳам ҳадисини олишди. Масалан, ёш шифокор Гулбаҳор Абдухолиқова «УЗИ» аппарати билан ишлаш, беморларга ташҳис қўйишда катта тажриба тўплади.

Шунингдек, шифокорлардан Соҳибахон Ҳалимбоева, Ольга Брошкина, Раъно Жўраева, ҳамшираларимиздан Мавлуда Абдураҳмонова, Қандолат Матмусаевалар ҳам ширинсуханликлари билан мижозлар ўртасида ҳурмат-эътибор топишмоқда.

Аҳоли саломатлиги йўлида изланиб, сидқидилдан ишлаётган мазкур жамоа ҳақида ҳар қанча ёзсак, шунча оз. Тилагимиз мустақил юртимизда эл ишончини оқлаётган бундай жамоалар сони тобора кўпаяверсин.

**Шукрулло НЕЪМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ташаббус сўнмасин, ташаббус ўлмасин*

# ТИНИБ - ТИНЧИМАС ОДАМЛАР

***Баландчақир денгиз сатҳидан минг метр баландликда, Тожикистонга яқин масканда жойлашган. Бу қишлоқ одамлари азалдан чорва, ғалла билан машғул. Хонадонлари obod-газ, ичимлик суви, телефон кирган. Метин иродали тоғликлар бир янгиликка қўл уришди. Яъни боғлар оралиғига чигит қадаб яхши натижага эришишди.***

Оқсоқоллар муаммо ечимини топгандай бўлишди. Қирқ чақиримдаги Жанубий Мирзачўл каналидан насос билан Сирдарё сувини келтириш, уч юз геткар ерга ғалла экиш, беҳудуд жойларда боғ яратиш. Шу ёш олма ниҳоллари оралиғига чигит экса бўлмасмикан?

Қариялар фикри раҳбару-фуқарога маъқул тушди. Синов тариқасида беш юз гектар боғлар ичига «АН-Боёвут» навли уруғ ташланди. Тошлоқ адирлардаги тажриба зўр самара берди, икки ёқлама фойда кўрилди: Бир йўла ёнма-ён қирмизи олмазорлар, ложуворд пахтазорлар барпо этилди. Инсон ҳамма нарсага қодир. Ўн минг қўйқўзини, беш минг гектар ғаллани эплаётган «Ховос» ижара-ширкатлар бирлашмаси аҳли пахтани ҳам дўндириб қўйди. Олманинг сувига шерик бўлган пахтадан оз эмас, кўп эмас, етти юз тонналик хирмон уйилди.

— Ўзиники ўзига, — дейди фахрланиб раис Сулаймон Хидиров, — даромадига яраша қабул пункти қурамиз, шунда хомашёни қўшни туман заводига элтиш азобидан қутуламиз.

«Ховос»ликлар тажрибасига қўшилган Жўрахон Усмонов номли, «Ғаллакор», «Қўшқанд» хўжаликларида ҳам пахтазорлар минг гектарга етказилди. Тоғлар оралиғидаги ўттиздан ортиқ қишлоқлар бирлаштирилиб ўтган йили Янгиобод тумани ташкил этилди. Янгиободликлар вилоятда биринчи бўлиб пахта режасини бажардилар.

— Ажабо, тошда ҳам пахта унаркан-а, - ёқа ушлашди кўплар.

Ер деҳқонни синаб кўрди, деҳқон эса ерни. Бултурги тажриба қўл келди. Вилоятдан бир неча юз чақирим узоқда, баланд тоғларда меҳнат қилаётган янгиободлик деҳқонлар бу йил ҳам янги боғлар яратдилар, олмазорлар оралиғида янги пахтазорлар бунёд этдилар. Боғнинг ҳам, ғўзанинг ҳам ривожи яхши. «Ишқилиб халқимизнинг ризқи бутун бўлсин». Бу янгиободликларнинг пок ниятлари.

**Ҳ.НАБИРАЕВ.**
**Жиззах вилояти.**

# МЎЪЖИЗАКОР ФАН МАСКАНИ

Мамлакатимизда кимё фани кенг кўламда ривож топиб бормоқда. Ана шу мўъжизакор фан тараққиётида Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультети салмоқли ўрин тутмоқда.

Мазкур факультетга бундан 70 йил аввал асос солинган эди. 1930 йилда бу факультетнинг очилиши Ўзбекистон илм-фани ва олий таълим тизимида муҳим воқеа бўлган эди.

Йиллар ўтиши билан бу ерда кимё фанининг қатор йирик илмий йўналишлари вужудга келди. Табиий бирикмалар ва алколоидлар кимёси, органик кимё, полимерлар кимёси, аналитик кимё кенг ривож топиб, ушбу соҳаларда ўзига хос илмий мактаблар қарор топди.

Бундан ташқари факультетдаги қатор кафедралар Ўзбекистон Фанлар академиясининг биорганик кимё, полимерлар кимёси ва физикаси, ўсимлик моддалари кимёси институтлари билан бирлашиб, янги илмий марказ юзага келди. Ўзбек диёри ҳудудида ўсадиган ёввойи ўсимликлар таркибидаги моддаларни ўрганиш ҳамда шифобахш дори-дармонлар олиш борасида бу марказ катта фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозир кимё факультети ўзининг 7 та кафедрасига эга. Уларнинг ҳар бирида малакали мутахассис кадрлар тайёрланиши билан бирга тадқиқотлар олиб борилмоқда. 20 дан ортиқ илмий мавзу йўналишида амалга оширилаётган илмий изланишлар мамлакатимизда кимё фани ривожига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Кимё фанининг соҳадош йўналишлари бўйича бакалавр ва магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилганлиги ҳам нур устига аъло нур бўлди.

*Касаба уюшма ҳаёти*

***Уйчи туманидаги 12-касб-ҳунар мактаби намунали билим масканларидан саналади. Бу ерда қишлоқ хўжалигига малакали мутахассислар тайёрлаб берилади. 40 нафар талабалар 7 та мутахассислик бўйича касб сирларини ўрганадилар.***

# УЙЧИНИНГ БИЛИМДОН ЁШЛАРИ



1997 йили жамоа туман марказида барча қулайликларга эга бўлган замонавий бинога кўчиб ўтди. Бу ўқитувчи ва ўқувчиларга бирмунча қулайликлар ятратди. Энг муҳими, 15 километр масофага қатнаш, транспорт муаммоси бартараф этилди. Таълим-тарбияда ижобий ютуқлар сезила бошлади. 18 та синф хонаси, ётоқхона, кутубхона талабалар хизматида. 10 та тикув машинаси, 8 та қишлоқ хўжалик техникасида ўқувчилар севимли ишларини бажарадилар.

Мактабда билимли, изланувчан ўқитувчи ва усталар кўпчиликни ташкил этади. Аҳмаджон Раҳимов, Абдулҳамид Муродов, Маҳфуза Тожибоева, Адхамжон Холиқов, Файзулло Ҳолмирзаев, Саидахон Собировалар шулар жумласидандир.

Талабалар туман, вилоят кўрик-танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Излаган имкон топади деганларидай, давр тадбиркорликни, изланиб ишлашни талаб этмоқда. Ҳозирги кунда мактабда бир неча корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Обжувоз, тегирмон, тикувчилик, сартарашхона, этикдўзлик, дурадгорлик цехлари, тижорат дўкони, музқаймоқ ва бошқа ёрдамчи кичик корхоналар ишлаб турибди. Буларда ёшлар ўзлари севган касб бўйича кўникма ҳосил қилмоқдалар.

Мактаб қўшимча манбалардан тушган маблағларни ходимлар, хизматчилар ижтимоий ҳимояси учун сарфлаётир. Масалан, касаба уюшма ташкилоти билан бамаслаҳат жамоа аъзоларига 60 минг сўмдан зиёд ёрдам пули берилди, экин экиш учун 3 гектар ер ажратилди.

Ижтимоий ҳимоялаш каби долзарб масала маъмуриятнинг доимо диққат марказида. Ишловчилар Республика Президенти фармонларида кўзда тутилган имтиёзлардан тўла фойдаланмоқдалар. Уларга қиш фаслида 42 тонна кўмир берилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, нафақага чиққанлар холидан хабар олиб, совға-саломлар топширилади. Муҳим саналарда илғор ишчи-хизматчилар қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилиб борилади.

Бундан ташқари нафақага кузатиш, таваллуд топган кунларни нишонлаш сингари тадбирларни ўтказиш ҳам одат тусига кирган. Бу ва шунга ўхшаш ишларга билим маскани касаба уюшма қўмитаси раиси Сайдулло Убайдуллаев бош-қош бўлаётир.

— Муаммолардан ҳам холи эмасмиз, - дейди у. — Билим масканимиз биноси қурилишининг иккинчи навбати тўхтаб қолган. Бу эса спорт зали, ётоқхона етишмаслигига сабаб бўлаётир. Ўйлаймизки, соғлом авлод йили муносабати билан чала қолган ишлар ниҳоясига етказилади, ўқувчиларнинг пухта билим олишлари, жисмонан баркамол бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилади.

**М.ҚОДИРОВ.**

**Суратда:** ***(чапдан) лицей касаба уюшма қўмитаси раиси Сайдулло Убайдуллаев, ишлаб чиқариш таълими устаси Зафаржон Мамажоновни у бошчилигидаги гуруҳ муваффақияти билан табриклаб совға топширмоқда.***

**А.ЮСУФБОЕВ олган сурат.**



Жарқўрғон туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалигида бу йил 754 гектар ерга бошоқли дон уруғи қадалганди. Улар республикада биринчилардан бўлиб ғалла ўрим-йиғимини бошлаб юборишди. Айни пайтда пудратчи Ибодулла Ҳасанов экин майдонларида ғалла ўрими қизғин. Ҳар гектар ер ўртача ҳосилдорлиги 40-45 центнерни ташкил этмоқда.

**Суратларда: 1. Хўжалик бошқаруви раиси Омон Ахадов (чапдан учинчи) ғаллакорлар билан. 2. Хирмонга илк ғалла жўнатилмоқда.**

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.**



## ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ САРИ

«Бухороматлуботсавдо» акциядорлик компанияси тасарруфидаги «Бухоро озиқ-овқат» савдо ишлаб чиқариш акциядорлик жамияти жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоят аҳолисига 105 миллион 851 минг сўмлик озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлар етказиб берди.

Мазкур жамият бундан икки-уч йил олдин ниҳоятда ночор аҳволга тушиб қолган эди. Корхона жамоаси ёш ишбилармон Шариф Ҳидоятовни раҳбарликка танлаб янглишмаганлиги бугун ўз тасдиғини топмоқда. Акциядорлик жамияти вилоятдаги корхоналардан қарзларини узиб, иқтисодий юксалиш сари қадам ташлади.

Айни кунда жамият вилоят савдо корхоналарига маҳсулот етказиб бериш билан бирга турли туманларда очилган 15 та дўкон орқали кўнгилдагидек савдо хизматини ҳам йўлга қўйган.

Ўтган 1999 йилда мазкур корхона товар айланмаси 1 миллиард 47 миллионни, шундан чакана савдо салмоғи 140 миллион сўмни ташкил этди.

**«Туркистон-пресс»**

*«Ишонч» бонг уради*

***Иштихон сафаридан мақсадимиз бошқа эди. Лекин туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси тасарруфидаги Қўчқор Қаршиев номли болалар оромгоҳидаги аҳвол ҳақида эшитгач, бу масалани четлаб ўтолмадик. Шундай қилиб, шу йил 16 май куни тумандаги «Меҳнат-роҳат» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган оромгоҳга қадам ранжида қилдик. Унинг раҳбари Абдуманнон Отамуродов ҳамроҳлигида бу ердаги аҳвол билан танишдик. Таъмирлаш ишларига жиддий киришилмаган экан. Фақат биттагина бино оқланган. У ҳам бўлса оромгоҳ маъмурияти биноси.***

# БОЛАЛАРНИ УНУТМАНГ, ҲОКИМ БУВА

— Маблағ йўқлигидан ишлар тўхтаб турибди,— дейди А.Отамуродов. — Ҳозирча ўз имкониятимизга қараб тайёргарлик кўраяпмиз. Ходимларимиз кучи билан ҳудудни тартибга келтираяпмиз.

Бундай аҳволнинг сабабларини билиш мақсадида туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасида бўлдик. Бу ердан олган маълумотларга қараганда, тумандаги хўжаликлар ҳатто ўтган йилги мавсумда болаларни дам олдирганлик учун оромгоҳдан қарзларини узишмаган экан. Туман бўйича барча хўжаликларнинг ўтган йилги умумий қарзи 1 миллион 660 минг сўмдан зиёдроқни ташкил этади. Айниқса, «Азамат» жамоа хўжалиги 154.840 сўм, «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги 138.740 сўм, «Меҳнат-роҳат» хўжалиги 125.010 сўм қарз бўлиб тургани ташвишланарлидир. Мутасаддиларнинг айтишларича, бу йил ёзги мавсумда оромгоҳ фаолиятини ташкил этиш учун 3 миллион сўмдан зиёд маблағ керак экан. Жумладан, оромгоҳда мавсум олди таъмирлаш ишларини бажариш учун 120 кг бўёқ, бир тонна оҳак, 1 тонна цемент, 2 куб метр тахта, бўз, сурп ва ҳоказолар талаб қилинади. Буларсиз оромгоҳни фойдаланишга топшириб бўлмайди.

Бир нарсани тўғри тушуниш керак. Болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш ва ўтказишни касаба уюшма ташкилотлари зиммасигагина ташлаб қўйиб бўлмайди. Афсуски, Иштихон тумани ҳокимлиги ана шундай йўл тутаётганга ўхшайди. Фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз. Туман ҳокими (Ҳ.Ҳақназаров) 2000 йил 4 майда туманда болаларни ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилган. Унга асосан тегишли комиссия тузилган, тадбирлар ишлаб чиқилган. Қарорнинг 4-бандида хўжалик ва ташкилотларга «2000 йил 15 майгача барча турдаги болалар оромгоҳларини тўлиқ таъмирлаш, атрофларини ободонлаштириш ва уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш, соғломлаштириш мавсумига тайёрлаб қўйиш» топширилган. Ҳокимлик ўз қарорининг ижросини назорат қилмаганлигини қандай изоҳлаш керак?

Туманда яна битта доимий ёзги болалар оромгоҳи бор. Бундан ташқари, мактаблар қошида шундай масканлар ташкил этилиши керак. Ишга бундай ёндашув орқали мақсадга эришиб бўлармикан?

Тўғри, ҳар куни ҳокимлик аралашуви билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб масалалар, муаммолар кўндаланг туриши мумкин. Лекин ўғил-қизларимизнинг соғлиғи тўғрисида қайғуриш, бу - кечиктириб бўлмайдиган вазифалар сирасига кирмайдими?! Айниқса, «Соғлом авлод» йилида мазкур тумандаги манзара кўпчиликни ҳайратга солмоқда.

**Р.ҚУРБОНОВ.**
**«Ишонч» мухбири.**

# КЎКТЕПА «МАЛИКА»СИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Яҳё Ғуломов номидаги археология институти олими, тарих фанлари доктори Муҳаммаджон Исомиддинов ва Франция Илмий марказининг илмий ходими Клод Рапен бошчилигидаги ўзбек француз қўшма экспедиция қатнашчилари яқинда Челак туманидаги Кўктепа (Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудуди) ёдгорлигида ноёб археологик топилмани қўлга киритдилар.

Ёдгорликнинг энг баланд қисми марказидан 25-30 ёшли аслзода маликанинг қабри топилди. Қабрдаги аёл қимматбаҳо уст-боши билан дафн этилган. Аёл устидаги либос 200 га яқин тилла тугма билан безатилган экан. Маликанинг ёнига кумуш ойна, кумуш пиёла ва жез қозон ҳам қўйилган. Унинг бўйин ва кўкрак қисми мунчоқлар, юпқа олтин фольга безатилган. Археолог олимларнинг фикрича, аслзода аёл милоддан аввалги 1 - ҳамда асримизнинг дастлабки йиллари расм-русумларини бажарган ҳолда дафн этилган. Илмий тадқиқотлар ҳали давом этмоқда ва кейинги изланишлар сўзсиз малика қабри билан боғлиқ бўлган кўпгина саволларга жавоб беради. Археология институтининг директори, профессор Темур Шириновнинг таъкидлашича, бундай қимматбаҳо қабр Самарқанд Сўғдида биринчи марта топилган ва у ўз даврининг тарихини ўрганишда янги-янги саҳифалар очади.

**«Туркистон-пресс»**

*Инсон—ҳаёт гултожи*

# УЗОҚ УМР КЎРИШ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

***Атрофимизни ўраб турган табиат — жонли, жонсиз мавжудотларнинг барчаси Аллоҳ мўъжизаси бўлиши билан бирга одамзодга ато этган буюк эҳсонидир. Шунинг учун ҳам борлиқ оламдаги барча нарса инсонга, унинг саломатлигига бахшида этилган.***

Инсон ҳаёт гултожи, унинг туғилиши, яшаш тарзи, камолати ва ниҳоят мангуликка рихлат қилиши тақдири азалга, табиат қонунига боғлиқ. Умри давомида турли хил вазиятларни бошдан кечириши, касалликларга мойиллиги, қисқа ҳаёти давомида неча бор ўлимга юзма-юз келиши эса турмуш тарзига, руҳиятига боғлиқдир. Баъзи одамларнинг нотўғри турмуш тарзи, жоҳиллиги, тажрибасизлиги ва ортиқча асабийлик ҳолатлари, айниқса ялқовлиги ва кам ҳаракатлиги турли хил касалликларга чалинишига сабаб бўлади.

Тиббиётнинг асосий вазифаси инсон умрини узайтириш, ақлий ва жисмоний қобилиятини ошириш, соғлигини мустаҳкамлаш, умрнинг ўтиш давр̆ларидаги хасталикларни бартараф этиб, унга саломатлик бахш этишдан иборатдир. Ҳар бир инсон ҳаётида бир неча ўтиш даврларини бошидан кечиради. Ҳомиладорлик (аёлларда), фарзанд кўриш (аёлларда), гўдаклик, болалик, балоғат онлари, ҳайз кўришлик (аёлларда), ўсмирлик, навқиронлик, климактерик (климакс), қарилик, кексалик, ўлим даврлари шулар жумласидандир. Инсон мангу яшашни истайди. У қарилик ва ўлим муқаррардир, деган фикр билан келиша олмайди. Аммо вақтни, умрни ушлаб туриб бўлармиди?! Умр оқар дарё, ҳар куни камайиб бораверади. Ўзининг бетўхтов изланишлари, тинимсиз фантазиялари, биринчи муҳаббат романтикаси билан ажойиб ёшлик даври — умрнинг баҳор фасли (16-25 ёш) ҳам ўтиб кетади. Ҳаётнинг навқиронлик даври умрнинг ёз фасли (25-50 ёш) — камолат йиллари етиб келади. Аммо йиллар бирин-кетин ўтиб кетади. Қарилик — умрнинг куз фасли (50-75 ёш) ҳам етиб, киши уйқусизлик, ҳаддан ортиқ чарчоқлик, хотира заифлигидан азоб чека бошлайди: нафас сиқиши бошланади, ҳаво айниганда бўғимлар зирқирайди, кўриш ва эшитиш ёмонлашади, иш қобилияти пасаяди, турли касалликлар безовта қила бошлайди. Ундан кейин кексалик — умрнинг «қиш» фасли (75-100 ёш) кириб келади. У - ҳаётий циклнинг (даврнинг) сўнгги босқичидир. Одамлар навқиронликни, бардамлик ва куч-қувватни иложи борича умр бўйи сақлашни, эрта қаримасликни жуда қадим замонлардан бери орзу қилиб келишган. Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино узоқ умр кўриш масалаларига тааллуқли тажрибалар ўтказиб, бунинг учун жоҳил бўлмаслик, изтиробга тушмаслик, таомларга ўч бўлмаслик, шароб ва кайф қилдирувчи бошқа ичимликларни ичмаслик ва тамаки чекмаслик лозим эканлигини илмий жиҳатдан аниқлаган. Олим жисмоний машқ билан мунтазам шуғулланиш ва гигиена қоидаларига амал қилишга даъват этади. Доктор Грей Бёрд ёши юздан ошган 400 кишини текшириб кўриб, шундай деб ёзади:

«Бу одамларнинг кўпчилиги келажак ҳақида мустаҳкам режа тузиб қўйишган, улар жамоат ишида фаол қатнашадилар, ёшларга хос ғайрат-шижоатли, иштаҳалари ҳам яхши, ҳазил-мутойибага мойил, бардошли, келажакка ишонч билан қарайдилар, ҳатто ўлим хавфи ҳам улар руҳини туширолмайди».

Аниқланган маълумотларга кўра, инсон организми 90 ёшдан кейин қайтадан ёшарар экан, гўё иккинчи марта, ҳатто учинчи марта ёшариш рўй беракан. Бунинг ягона шарти — киши умр бўйи фаол ҳаёт кечириши, ўзига нисбатан лоқайд бўлмаслиги лозим.

Маълумки, одамнинг ёши улғайган сари тажрибали ва донишманд бўлиб боради, ҳаёт тажрибасини ўзгалар билан баҳам кўришга ошиқади, ўз билимини ёшларга ўргатишга интилади... Қадимги табибларнинг айтишича, инсоннинг хулқ-атвори, саломатлиги унинг ҳис-туйғуларига, ташвишларига, ҳис-ҳаяжонларига боғлиқдир. Севги, қувонч, дўстлик, хайрихоҳликка доимо табассум ва кулгу ҳамроҳ бўлади. Ва аксинча қўрқинч, ваҳима инсон умрини қисқартиради, ғам-андуҳга тўлдиради, танани оздиради, қалбни бўм-бўш қилиб турли касалликларга дучор қилади.

Ақлий меҳнат аҳллари ўз мушакларининг, юрак ва қон томирларининг ҳаракатга муҳтожлигини унутмасликлари керак. Шунингдек, жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган кишилар ҳам фанга, санъатга ва бадиий ижодга бўлган қизиқишларини йўқотмасликлари зарур. 100 ёшдан ошган кўпчилик кишиларнинг таъкидлашича, узоқ умр кўришнинг иккита манбаи мавжуд. Биринчиси — витаминларга, минерал моддаларга, микро ва макроэлементларга бой она ер неъматларини, истеъмол қилиш ва яна осойишталик ва сокинлик. Иккинчи манба — ҳаётдан завқланиш, ҳасаддан йироқ юрмоқ, қалбни ёмонликдан асрамоқ, қайғу ва шодликни дўстлар билан бирга баҳам кўрмоқ, эрта туриб, эрта ухламоқ ва меҳнатни севмоқдир. Дангаса ва баджаҳл киши узоқ умр кўрмайди, дейди доно халқимиз. Шундай экан, ҳар бир одамнинг соғлиги ва узоқ умр кўриши аввало ўз қўлида.

**Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.**

*Касаба уюшма спорти*



# АЛОҚАЧИЛАР СПАРТАКИАДАСИ



Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги билан Ўзбекистон Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамкорлигида алоқа ходимлари Республика спартакиадасини ўтказиш анъанага айланган. Куни кеча уч босқичли ушбу спартакиаданинг 2-босқич мусобақалари якунланди.

— Жорий йилги спартакиада «Соғлом авлод йили»га бағишланди, — деди Марказий Қўмита раиси Тоҳир Назаржонов. — Мақсадимиз Соғлом авлод Давлат дастурини амалда бажаришга муносиб ҳисса қўшиш. Шу билан бирга, тармоққа тегишли корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, оммавийлигига эришиш орқали соғлом турмуш тарзини таъминлашдир.

Спартакиадани тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Республикамиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида электр ва почта алоқа корхоналари ҳамда вилоят бирлашган касаба уюшма қўмитаси вакилларидан иборат ташкилий қўмита тузилган.

Мусобақанинг иккинчи босқичи вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналари ўртасида ўтказилди. Унда жамоалар спортнинг мини футбол , волейбол ва ўйин эстафетаси турлари бўйича беллашдилар.

Мини футбол бўйича «Ўздунробита» қўшма корхонаси жамоаси пешқадамлик қилди. 2-ўринга Тошкент шаҳар телефон тармоғи акциядорлик жамияти, 3-ўринга эса 3-радиостанция жамоаси лойиқ деб топилди.

Волейбол бўйича аёллар ўртасида ўтказилган мусобақаларда ҳам 10 дан ортиқ алоқа корхоналари жамоалари иштирок этди. 1-ўрин Тошкент телеграф-телефон станциясига насиб этди. Тошкент электр-алоқа институти жамоаси иккинчи, Электр магнит мослашув маркази учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

Спартакиаданинг энг қизиқарли эстафетаси мусобақаларида эса ҳар бир жамоанинг мини футболчиларидан икки эркак, волейболчилардан икки аёл ҳамда 9 ёшдан 12 ёшгача бўлган икки нафар ўғил-қиз иштирок этдилар. Унда Тошкент шаҳар телефон тармоғи акциядорлик жамияти биринчи, электр алоқа институти иккинчи ва Шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси учинчи ўрин соҳиби бўлдилар.

Ғолиблар диплом ва совринлар билан тақдирландилар.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА, «Ишонч» мухбири**

## СИДНЕЙГА ЙЎЛЛАНМА

Навоий шаҳридаги "Олтин сув" ҳавзасида сузиш бўйича Республика очиқ биринчилиги бўлиб ўтди. Тўрт кун давом этган мусобақада ўн бир жамоа - мамлакатимиз ҳамда қирғизистонлик спортчилар декабрь ойида Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма учун куч синашди.

Сузишнинг барча турлари бўйича 62 та медални қўлга киритган Навоий шаҳри спортчилари биринчи ўринни эгаллади. Бу ердаги "Олтин сув" сузиш маркази ходими, халқаро тоифадаги спорт устаси О.Цветковский чемпионлик унвонига эга бўлди ва Сидней шаҳрида ўтадиган олимпия ўйинларига йўлланма олди. Қирғизистонлик А.Егоров ва К.Дряхин ҳам Сидней ўйинларида иштирок этадиган бўлди.

## "МОМОГУЛ" ГЕРМАНИЯГА БОРАДИ

Қарши туманидаги "Момогул" фольклор-этнографик ансамблининг концерт дастурлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам мухлислар қалбини ром этмоқда. Куни кеча мазкур ижодий жамоа Германияда ўтказиладиган халқаро "ЭКСПО-2000" кўригида иштирок этиш учун таклифнома олди. Гап шундаки, "Момогул" ўтган йили хорижга қилган сафарида германиялик санъат ихлосмандлари меҳрини қозонган эди.

***«Экосан» Халқаро жамғармасида «Соғлом муҳит - соғлом авлод гарови» дастурига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвоқ зонасида табиий бойликларни сақлаш ва ҳудудни ўзлаштиришга изчиллик билан ёндашишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Работ Малик» сайёҳлар уюшмаси ва Тошкент вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда Бутунжаҳон атроф-муҳитни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ўтказиладиган «Чимён - 2000» экологик фестивали олдидан матбуот анжумани ўтказилди.***

# ТАБИАТ БИЛАН ТИЛЛАШИБ

— Экология ва саломатлик тадбирларининг иккинчи босқичи доирасида жорий йилнинг 1-10 июн кунлари «Санитария, гигиена ва экология маданияти» ўн кунлиги ўтказилади, - деди анжуманда сўзга чиққан «Экосан» жамғармаси раиси, — Шунингдек, ёшлар онгига экологик маданиятни янада чуқурроқ сингдириш ва экологик сайёҳликни ривожлантириш мақсадида дастурга мувофиқ «Чимён - 2000» экосайёҳлик фестивали ҳам ўтказилади. Фестивалнинг «Биз озод Чимён учун» номли тадбирига Бўстонлиқ тумани аҳолиси ҳам жалб қилиниб, дам олиш ҳудудларида тозаликни сақлашга доир таклиф ва мулоҳазалар ўрганилади. Чимён дараси қишки дам олиш мавсумидан кейинги чиқиндилардан тўлиқ тозаланади.

«Туркистон-пресс» мухбирига маълум қилинишича, «Соғлом муҳит - соғлом авлод асоси» шиори остида ўтувчи ўн кунлик тадбирида «Очиқ осмон остидаги мактаблар» ташкил этилади. Унда ўсмир-ёшлар табиат билан тиллашиш сирлари ва унга тўғри муносабатда бўлишни ўрганадилар. Бундан ташқари, экологик нохуш туманларда истиқомат қилаётганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатувчи «Экосан» саломатлик автопоездлари жўнатилади. Жойларда канализация тармоқлари, бозорлар, касалхоналар, чиқинди ташлаш жойлари ва болалар муассасаларида экологик-гигиеник талаблар даражасида оммавий текширув тадбирлари ўтказилиб, аниқланган камчиликларга қарши тегишли чора-тадбирлар кўрилади.

— Бу йўналишдаги энг хайрли тадбирлардан бири 12 июн куни республика миқёсида ташкил этилаётган экология шанбалиги ҳисобланади.

*Оромгоҳлар мавсумга шайми?*

## ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТАДИ

Жорий йилда Сирдарё вилоятида барча шарт-шароитларга эга бўлган 15 та ёзги оромгоҳ 8 минг нафар келажак ворислари ихтиёрига бериб қўйилади. Шу кунларда ана шу дам олиш масканларида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди ёки айримларида сўнгги юмушлар олиб борилаётир. Айниқса, ўзининг дам олиш масканларига эга бўлган ташкилотлар бу йилги мавсумга алоҳида ҳозирлик кўришяпти.

— Болаларнинг дам олишини ташкил этиш касаба уюшма ташкилотларининг муҳим вазифаларидан бирига айланиб бормоқда, - дейди вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари, таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Қаршибой Эшназаров. - Биринчи босқичда 2500 нафар, иккинчи босқичда эса 5500 нафар ўқувчилар шаҳар ташқарисида дам олишади. Шунингдек, шаҳар ва туманларда 30 та мактаб қошидаги оромгоҳларни ҳам очиш ниятимиз бор. Оромгоҳларда меҳнаткашларнинг 7000 нафардан зиёд ўғил-қизлари мириқиб дам олишади.

Ёзги оромгоҳлар ҳадемай болаларнинг шўх-шодон қийқириқларига тўлади.

**Н.ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**



**Мустақиллик йилларида Қаршида ҳам ижтимоий-иқтисодий соҳаларида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Замонавий турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, ҳиёбонлар бунёд этилди. Транспорт қатнови янада яхшиланди. Эътиборлиси шуки, янги иншоотлар ўзининг замонавийлиги, кўркамлиги билан эътиборни тортади.**

**Суратда: янги фойдаланишга топширилган «Қашқадарёавтойўл» бошқармасининг маъмурий биноси.**

**З.РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.**

*Оқибат*

# ОНА АРМОНИ

***Шу куни сим-сим ёмғир ёғди. Эзилиб-эзилиб ёғди ёмғир. Бутун борлиқ тоза бўлди ёмғирдан. Аммо гуллар бош эгдилар хомуш, муштипар Аёлга боқиб. Гулларнинг юзи қизариб кетди она фарёд чекканида.Шу куни қуёш хижолатдан булутлар орасига яширинди, осмон кўзёш тўкди. Бутун борлиқни ювган ёмғир ғубор босган қалблардан ювolмади кибру ҳавони.***

... У одамда ҳамма нарса: мансаб, бойлик, қўша-қўша иморатлар бор эди, фақат оқибат йўқ эди. Қалби сўқир, қаҳри қаттиқ эди. Фарзандларини жондан ортиқ севиб эркалар, уларнинг ўйнаб-кулишлари, яйраб ўсишлари учун дунёни тўкиб солган эди оёқлари остига. Оиладагиларнинг егани олдида, емагани кетида. Балоғатга етмаган ўғли «Тико» ўйнаса, қизлари учун пул эрмак эди. Ҳовлидаги ҳашамдан қўрқиб ҳамсоялар хонадон остонасини босиб ўтмас, бирор юмуш билан ҳовлига кириб қолсалар ҳам оёқлари остидаги пардек гилам, столдаги нафис чиннилар, оппоқ дастурхон... ҳаммасидан ҳам хўжайиннинг салобатидан ҳайиқиб, сўзларини йўқотиб қўйишарди.

— Эҳ худо, — деб ёқасини ушларди қўшнилар, — охири бахайр бўлсин-да. Мол-дунёга бунчалик ҳирс қўйишнинг оқибати вой.

— Бойликка ҳирс қўйган одамдан иймон қочади. — Аммо кўпни кўрган маҳалла оқсоқоллари ҳам бу гапни очиқ айтишга ҳайиқишарди.

«Каттакон»нинг жўралари ҳам, давралари ҳам бўлак эди. Мабодо меҳмон келиб қолса, бева қўшниси сочи супурги, қўли косов бўлиб хизматга чиқарди. Бечора аёл эри вафотидан кейин бир этак бола билан қолган, рўзғор тебратиш учун ўзини ўтга-чўққа уришга мажбур эди. Ижарага олгани ердан яхшироқ даромад олиш учун даладан бери келмас, баъзида суяги қотмаган болачалари ҳам оналарига ёрдам бериш учун унга эргашишарди.

Аксига олиб бу орада кичкинтойлари шамоллаб қолди. «Ана ўтиб кетар, мана ўтиб кетар» дея аёлнинг қилган илтижолари инобатга ўтмади, иситмадан бошини кўтара олмаган фарзандини бағрига босганча қўшнисининг дарвозасини қоқди. Қўшниси докторларнинг каттаси эди-да! Бир оғиз сўзи, зора... Аммо қўшни унинг касал боласига қайрилиб ҳам боқмади. «Участка ҳакимига қаратинг» дея дарвозасини ёпди-қўйди. Ишлик одам-да, дея бева аёл ундан хафа бўлмади. Қайтанга шундай катта одамнинг вақтини олганидан ўзини койиди.

Ўғилчасини шифохонага ётқизишди, 15 ёшлик қизига укасини ишониб, аёл яна далага қайтди.

Шифохонада хасталар кўп эди, хасталардан ҳам дили хасталар кўпроқ эди. Аёл ҳар куни икки марта беш километрлик йўлдан пою пиёда қатнарди. Баъзан қоронғуга қолиб ҳам кетарди. Гўдаги ўлим тўшагида ётганида докторлар «қўшнингиз-ку, ёрдам сўранг, ўғлингизга зарур дори шифохонамизда бор, фақат у кишининг рухсати керак» дейишганида сўнгги умидини тикиб борди аёл. Бироқ кўнгли чил-парчин бўлди мартабали қўшнисининг муомаласидан, таъмагирлигидан, лоқайдлигидан. Чорасиз қолган бева зарур дорига пул топгунича фарзандининг жони узилди. Ўғилчаси дунёдан кўз юмган дақиқада унинг умид чироғи ўчди. Нафратланиб кетди қўшнисидан.

Саховат жимгина ёш тўкди шу куни бева аёлга қўшилиб, меҳр-оқибат дод солди ўғилчасини ёстиққа қўйиб қабристонга олиб кетаётганларида. Ҳимматнинг қадди дол бўлди онанинг фарёдидан. Ёмғир эса кун бўйи тинмади.

**Амина ҚОДИРОВА.**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Шавкат Эргашевич Қурбоновга падари бузруквори

**Эргаш ота ҚУРБОНОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 23.00

Буюртма Г— 384.

1 2 3 4 5 6